

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ЕР ҚАЪРИНИ ГЕОЛОГИК ЎРГАНИШ, САНОАТДА,  
КОНЧИЛИҚДА ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ СЕКТОРДА  
ИШЛАРНИНГ БЕХАТАР ОЛИБ БОРИЛИШINI НАЗОРАТ  
ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ВА  
МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**21** **Геология-қидирув ишларида хавфсизлик қоидалари-  
га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 304-1*

*(2011 йил 23 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Геология-қидирув ишлари-  
ни ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-  
тадбирлари тўғрисида»ги 2010 йил 27 августдаги ПҚ-1396-сон қарори  
(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 35-36-сон,  
301-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Саноатда,  
кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борили-  
шини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғри-  
сида»ги 2004 йил 10 июлдаги 323-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳуж-  
жатлари тўплами, 2004 й., 28-сон, 321-модда), «Ўзбекистон Республикаси  
Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тўғрисидаги низомни тас-  
диқлаш ҳақида»ги 2007 йил 5 февралдаги 26-сон (Ўзбекистон Республика-  
си қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 4 — 6-сон, 47-модда) қарорларига  
мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер  
қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший сек-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.*

торда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси «Тоғконтехназорат»нинг 1996 йил 12 декабрдаги ва Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг 1996 йил 25 ноябрдаги 84-сон қарори (рўйхат рақами 304, 1997 йил 29 январь) билан тасдиқланган Геология-қидирув ишларида хавфсизлик қоидаларига иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**«Саноатгеоконтехназорат»  
Давлат инспекцияси бошлиғи**

**Б. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 21 декабрь,  
360-сон

**Давлат геология ва минерал  
ресурслар қўмитаси раиси в.б.**

**И. ТУРАМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 21 декабрь,  
18-1966-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.